

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ МАШҒУЛОТЛАРИГА ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Сулайманова Камола Шосайд қизи**

Боёвут тумани Навбахор маҳалласи 32- боғчанинг тайёрлов

гуруҳи тарбиячиси

**Аннотация :** Мақолада ҳозирги замон педагогик ва психологик тадқиқотларида мактабгача таълим ёшидаги болаларни эстетик, ақлий ривожланиши учун тасвирий фаолият машғулотлари зарурлиги ёритилган.

**Калит сўзи:** бадий-эстетик, эмоционал-эстетик, Тасвирий фаолият, Аппликация, синтез.

Мактабгача таълимнинг мақсади болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс сифатида шакллантириш, ижодий қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга тайёргарлигини таъминлаш ва бу жараёнга бўлган иштиёқни тарбиялашдан иборат. Мактабгача таълим муассасаларининг бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади. Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини (театр, мусиқа, бадий адабиёт, расм чизиш, аппликация) комплекс тарзда қўлланилгандагина аниқ бўлади. Мактабгача таълим масканларида ўтиладиган Тасвирий фаолият машғулотлари болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадий фаолият ҳисобланади. Бадий фаолият машғулотларининг барча турлари қатори аппликация тури ҳам болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради. Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган бадий фаолиятнинг ҳар бир тури ҳам умумий эстетик таъсирдан ташқари ўзининг махсус таъсир кучига эга. Мактабгача таълим муассасаларида ўтиладиган «Тасвирий фаолият» ўз таркибига кўра қуйидаги

машғулот турларидан иборат: «Расм чизиш», «Пластин(лой) билан ишлаш», «Аппликация» 607 ҳамда «Қуриш-ясаш» машғулотлари. Буларнинг ҳар бири болалар тасаввурларида атроф-оламнинг акс эттириш имконини беради. Асосий мақсадлардан яна бири замонавий тасвирий фаолият орқали болалардаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқаришдир. Тасвирий фаолиятнинг ўзига хос мураккабликларини тушуниб, унинг нозик қирраларини мактабгача ёшдаги болаларга улашиш маҳоратига эга бўла оладиган тарбиячиларни етиштириб чиқариш вазифаси турибди. Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият воситасида болаларнинг эстетик қобилиятларини шакллантиришда тарбиячининг ўрни беқиёс. У чуқур билим ва юқори малакага эга бўлиши, бунинг учун мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ўзининг илмий назарий савиясини тинимсиз кўтариши, илғор тажрибаларга таяниши керак. Тасвирий фаолият бўйича мактабгача таълим муассасаси дастури ва мактабда тасвирий санъат дастури болаларда теварак-атрофга нисбатан эстетик муносабатни тарбиялаш, ижодий қобилият ва бадий тасвирларни ривожлантиришни кўзда тутди. Мактабгача таълим муассасаси машғулотларида, мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун зарур бўлган вазифалар ҳал этилади. Расм, аппликация, лой ишлари жараёнида болаларда фикр юритишнинг таҳлил, синтез, такрорлаш, аниқлаштириш каби жиҳатлари шаклланади. Шунингдек, бу жараёнларда болалар жамоада ишлашга, ўз ҳаракатини ўртоқларининг ҳаракатига бўйсиндиришга ўрганадилар. Болалар боғчасида тасвирий фаолият машғулотлари болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган қизиқишлар, малака ва кўникмаларни шакллантиради. Қизиқишнинг шаклланиши нафақат тасвирий фаолиятнинг хусусиятига, балки болалар ўртасидаги ижобий муносабатларнинг ривожланишига ҳам таъсир қилади. Қизиқарли, маълумот берувчи иш, жамоавий композицияларни яратиш уларни умумий ёрқин тажрибалар билан бирлаштиради, натижада болалар янада тартибли, дўстона, бир-бирига эътиборли бўлиб қолишади, тенгдошларининг ютуқларидан хурсанд бўлишади ва уларга ўз ташаббуси билан ёрдам беришади. Тасвирий фаолият болаларда

ривожланаётган ижобий муносабатлар унга қизиқишни ривожлантириш учун муҳим рағбатдир. Ўз навбатида, юқори мактабгача ёшдаги болаларда ушбу фаолиятга қизиқишни шакллантириш болалар ўртасида ўзаро тушунишни, ижобий муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради, чунки болалар уларнинг ҳар бирининг натижаларини кўришади. Ҳозирги замон педагогик ва психологик тадқиқотларида мактабгача таълим ёшидаги болаларни эстетик, ақлий ривожланиши учун тасвирий фаолият машғулотлари зарурлиги исботланмоқда. Нафақат тасвирий фаолият машғулотлари, балки тасвирий санъатнинг аппликация турлари ҳам зарур. Чунки тасвирий фаолият машғулотларида бажариладиган аппликация ишлари бугунги кунда ўта долзарб машғулотлардан ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ҳасанбоева О.У. ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Т.: «Илм зиё». 2006.
2. Блащук Любовь Антоновна Формирование интереса к изобразительной деятельности у детей 5-7 лет на занятиях в детском саду. Афтореферат Москва – 1985 г
3. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда аппликация машғулотлари. Т., 2014.